

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 2146-ҳадис

2146/7142 – عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

«اسْمَعُوا وَأَطِيعُوا، وَإِنْ اسْتَعْمِلَ عَلَيْكُمْ عَبْدٌ حَبَشِيٌّ، كَأَنَّ رَأْسَهُ زَبِيْبَةٌ».

2146.7142. Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Сизларга боши қора майиздек ҳабаш қул омил этиб тайинланса ҳам, (унга) қулоқ солинглар, итоат қилинглар!» дедилар».

Изоҳ: Исломнинг аввалида ҳар қандай ишга раҳбар этиб тайинланган шахс «омил» – ишчи деб аталган. Биздаги «амалдор» сўзи ҳам шу ўзакдан олинган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI